

Март
2018

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
3 март
ШАНБА

№ 18 (13071)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАХТА ХОМ АШЁСИ ВА БОШОҚЛИ ДОН ЕТИШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларини кенг жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалигида молиялаштириш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини тубдан такомиллаштириш, шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, рентабеллигини ошириш, етиштирилаётган маҳсулот ҳажмлари барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, "Ўзахтасаноат" акциядорлик жамияти ва "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг:

а) 2018 йил 1 мартдан бошлаб ишлаб чиқарувчиларнинг рентабеллиги ошишини ва юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантиришни таъминлайдиган навлар ва класслар бўйича пахта хом ашёси ва бошоқли дон хариди юзасидан кафолатланган давлат нархларини белгилаш;

б) тупроқ унумдорлиги паст ва охириги 3 йил мобайнида ҳосилдорлик гектарига 15 центнергача бўлган ерларда пахта хом ашёсига давлат буюртмасини жойлаштирмаслик тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг тақлифлари асосида ушбу бандга мувофиқ бўшайдиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини, энг аввало, озуқа ва мойли экинларини жойлаштириш, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида икки ҳафта мuddатда Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

2. Белгилансинки:

пахта хом ашёси ва бошоқли дон учун узил-кесил ҳисоб-китоблар ҳосил йиғиштириладиган йилнинг охиригача тўлиқ ҳажмда амалга оширилади; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш учун дизель ёқилғиси ва ЭКО дизель ёқилғисининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ягона чакана нархлари 2018 йил охиригача бўлган даврда амал қилади;

минерал ўғитларни сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган алоҳида шартлар ҳисобга олинган ҳолда биржа савдоларида амалга оширилади;

фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос агрегатлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қопланади.

3. Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги 2018 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳосил бўлган қарзларини, шу жумладан, ички тармоқ қарздорлиги ҳамда бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзларини тўлаш мuddати ҳисобланган пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилган ҳолда 3 йил мuddатга узайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирадиган фер-

мер хўжаликларининг бюджет, давлат мақсадли жамғармалари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги 2018 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳосил бўлган қарзлари, шу жумладан, ички тармоқ қарзлари бир ой мuddатда ялпи хатловдан ўтказилишини, шунингдек, уни тартибга солиш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармасини Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) айлантириш ва уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасарруфига бериш;

пахта толасига жаҳон нархларининг кескин пасайиши эҳтимоли учун пахта толасига преysкурант ва жаҳон нархлари ўртасидаги ижобий тафовут суммаси ҳисобига Жамғарманинг суғурта ҳисоб рақамини шакллантириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда:

навлар ва класслар бўйича пахта хом ашёси ва бошоқли дон харидининг давлат томонидан кафолатланган нархларини тасдиқлаши;

минерал ўғитларни биржа савдоларида сотишнинг махсус шартларини;

Давоми 2-бетда ➡

Хушхабар

Бугун мамлакатимиз одимлаётган ташқи сиёсат йўли ён-атрофимиздаги давлатлар билан яхши ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашни кўзлайди. Қўшни давлатлар билан чегаралардан ўтишдаги ортиқча расмийатчиликлар, оврагагарчиликлар барҳам топаётгани ана шу сиёсатнинг кўпчиликка манзур бўлаётган ҳаётбахш самараларидир.

ЁН ҚЎШНИЛАР – ЖОН ҚЎШНИЛАР

Куни кеча мамлакатимиз ташқи
сиёсатида яна бир муҳим воқелик юз берди

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Бекобод шаҳридаги "Бекободавто" чегара ва божхона назорати ўтказиш жойида мамлакатимизга қўшни Тожикистондан келиб-кетаятганларнинг ҳар бири мана шу фикрни қайта-қайта таъкидламоқдалар. Бир неча йиллар давомида хувиллаб қолган бу маскан куни кеча ҳаётга ишонч ва қувонч тўла нигоҳлар билан боқиб турган бахтиёр инсонлар билан гавжумлашиб кетди. Бу ерда чегара постининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари халқларимиз ўртасидаги азаллий дўстлик ришталарини бундан буён янада мустаҳкамлашиб боражагига умид билдирар эканлар, бу ўзгаришлар азалдан эт билан тирноқ бўлиб келган халқларнинг тараққиёти, тинч-тотувлиги, фаровонлиги, хотиржамлигига хизмат қилсин, дея тилак билдирдилар.

... Ҳозиргина чегара постидан ҳеч қандай қийинчилик ва оврагагарчиликсиз ўтиб олган Мухтарам Отақуловнинг соғинч тўла кўзларида севинч ёшлари ҳалқаланади. Тожикистоннинг Матчоҳ туманидан келган аёл ўз қувончини, миннатдорчилигини ифодалашга сўз тополмайди. Тўғрида, яқин қўшниларимиз билан аввалги чегара сиёсати тўғрисида бор-йўғи бир ярим километр нарида яшаётган набираларини бир неча йиллардан буён қўришга интиқ бўлган бувию буважонлар, тўққан онасини сўнгги йўлга қузата олмай, бир

умрлик армон ва надоматга чўмиб яшаётган ўғил-қизлар озми?

Мухтарам Отақулова ҳам Бўка туманида яшайдиган туғишган опасини йўқлаб келаётганини айтади. – Опажонимни кўргани бундан уч йил аввал келгандим, – дейди у. – Туртини-суртини, минг машаққату заҳматлар билан келиб кетгандим. Бугунги ўзгаришлардан ҳайратдамиз. Бўларкан-ку! Шундай қулайликларни яратиб берган давлат раҳбарларимиз барака топишсин, ҳаммаша дуоодамиз.

Янги очилган постда ҳам Бекобод туманидаги Ойбек чегара ва божхона назорати ўтказиш жойида яратилган барча имкониятлар мавжуд. Ойбек постига икки давлат чегаралари ўртасидаги ҳоли ҳудуд ободонлаштирилди. Кечасио кундузи ишлайдиган постдан ўтувчиларга қулайлик яратиш мақсадида йўллар ёритилди. Кутиш залларида йўловчиларнинг вақтини мазмунли ўтказиш чоралари кўрилди. Тиббий хизмат пункти очилди, "Тез ёрдам" автомашинаси наватчилик йўлга қўйилди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, йўловчилар 2 минг АҚШ долларини микдоридидаги маблағни энди декларация тўлдирмай олиб ўтишлари мумкин. Ўз эҳтиёжлари учун харид қилинган товарлар 300 АҚШ долларини микдоридида белгиланган. Бу аввалгисидан қарийб 30 баравар кўпдир. Яратилган қулайликлар юртимизга сайёҳлар оқимини кўпайтириши билан ҳам эътиборлидир.

Ўз мухбиримиз

«АДЛУ ИНСОФ БИЛАН ЖАҲОН ГУЛШАНИ ОБОД БЎЛУР»

Ҳар қадамда бунёдкорлик, жўшқин ҳаёт насимлари кезиб юрган озод ва обод Ватанимиз, гўзал диёримизга боқиб, улуғ аждодимиз, Соҳибқирон бобомизнинг сарлавҳага чиқарилган ўғити бот-бот ёдга тушади. "Шундай гўзал Ватан, тинч, осуда, фаровон ҳаёт яна қайда бор?" дея ғурурланиб қўямиз. Аммо, фақат ғурурланиш билан уни ёт кўзлардан, ёвуз ниятли кимсалардан асраб бўлмайди. Бу борада "жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири" дея эътироф этилган шавкатли Амир Темури бобомизнинг давлатчилик сиёсати, ҳарбий стратегияси, бунёдкорлик фаолиятидаги ёрқин ютуқлари улкан ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Фахр



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳарбий академик лицейларига "Темурибеклар мактаби", дея ном берилишининг ҳам жуда чуқур маъноси, маърифати бор. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик

билим юрти фаолиятидаги туб ислохотлар, курсантларга берилаётган алоҳида эътибор, шарт-шароитлар йиғитларни Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, Қуролли Кучларимиз

сафларида хизмат қилишни шон-шараф ишига айлантириб, мустақиллигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлашда юксак самара бермоқда.

Давоми 2-бетда ➡

ҲАЁТБАХШ ҲУЖЖАТНИНГ ФАРАҲБАХШ МУЖДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори юртдошларимизда, хусусан, биз, тарбиячиларда чексиз қувонч ҳамда миннатдорлик туйғуларини жўш урдирмоқда.

Дилдаги гаплар

Айни пайтда шаҳримизда ўн учта мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда меҳнат қилаётган ҳамкасбларимиз 2 минг 505 нафар болажонга таълим-тарбия бериб келишмоқда. Улар мазкур ҳаётбахш ҳужжатнинг улкан тарихий аҳамиятини теран ҳис қилиб, зўр жўшқинлик ҳамда кўтаринки кайфиятда фаолиятларини давом эттирмоқда.

лар, десам хато бўлмайди.

Биласизми, тизимда шунча йил ишлаб, бу қадар эътибор ва ғамхўрликни кўрганим йўқ. Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган қарори билан ўта мураккаб, масъулиятли касбни танлаган азиз педагог ва тарбиячиларнинг меҳнати, янаям ростини айтганда, заҳматли фаолиятимиз олий даражада кадр топди.



Аниқроқ айтадиган бўлсам, эндиликда ҳамкасбларим ойлик маошларига тегишлича салмоқли устамалар қўшилади. Бу уларнинг оилаларида моддий манфаатдорлигини, демакки, оиласидаги фаровон-

лиқни янада оширади. Албатта, иқтисодий томондан етарли таъминланган одамни ишга, ҳаётга бўлган муносабати яхшиланади. Тизимимизда амалга оширилаётган илгари кўз қўриб, қулоқ эшитмаган ис-

лохотлар соҳамиз равнақи, таълим-тарбия сифати юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз. Таъкидлаш жоиз, Президентимизнинг соҳа вакиллари қатори маҳаллалар фаоллари, ота-оналар томонидан илиқ кутиб олинган ушбу қарори эртанимиз давомида, келажагимиз эгалари камолотида умрини бағишлаган тарбиячилар меҳнатига бўлган эътибор ва эъзознинг, ғамхўрликнинг юксак намунаси бўлди. Биз, соҳа вакиллари муҳтарам йўртдошларимизнинг бу яхшиликларини ҳалол меҳнатимиз, фидойилигимиз билан, албатта, оқлаймиз.

Нигора ҲАЙДАРОВА,
Оҳангорон шаҳридаги
10-МТМ тарбиячиси

Аввал хабар берганимиздек, Янгийўл туманида Парламент ишчи гуруҳи томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар аҳоли, шунингдек, ташкил этилган секторлар фаолияти ўрганилди. Ишчи гуруҳ аъзолари 10 кун давомида туманда бўлиб, 639 хонадон вакиллари билан мулоқот ўтказдилар, 50 дан ортиқ ижтимоий соҳа объекти кўздан кечирилди, мавжуд фуқаролар йиғинларининг фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Умуман, халқ вакилларининг оддий одамлар билан қилган мулоқотлари чоғида 14 йўналиш бўйича 200 дан ортиқ масала кўтарилди. Уларнинг аксарияти жойида ҳал этилган бўлса, бир қисми, аниқроғи, 72 таси 2018 йил учун белгиланган "Йўл хариталари"га киритилди.

Халқ билан мулоқот:

САВОЛАР КЎП БЎЛДИ, ЖАВОБЛАР ЭСА...

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари куни кеча Халқ депутатлари Янгийўл тумани кенгашининг 44-сессиясида қизғин муҳокама қилинди. Ўрганиш натижалари рўй-рост баён қилиниб, туман раҳбарлари, депутатлар ва фаоллар эътибори уларни зудлик билан бартараф этиш масалаларига қаратилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Нигматилла Йўлдошев иштирок этди.

Сессия ўз ишини яқунлаганидан сўнг, туманда олиб борилган ўрганишлар, одамларни ўйлантираётган муаммолар, йўлга қўйилган секторлар фаолиятининг бугунги аҳоли хусусида мазкур ишчи гуруҳ аъзоси, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Раул КУШЕРБОВЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Аввало, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, туман ҳудуди тўғрисида, туман ҳокими, прокурори, ИИБ ҳамда давлат солиқ инспекцияси бошлиғи раҳбарлигидаги секторларга бўлинган. Ҳар бир секторга тумандаги мавжуд ташкилотлардан масъул раҳбар ва ходимлар бириктирилиб, ҳар бири 25 нафар мутасаддидан иборат ишчи гуруҳлар шакллантирилган. Сектор раҳбарлари мунтазам равишда уйма-уй юриш орқали маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, аҳоли кайфияти билан боғлиқ масалаларни ўрганиб боришга ҳаракат қилаётганлиги эътиборга молик.

Бироқ, секторлар фаолияти ўрганилганда, аҳоли томонидан кўтарилаётган энг долзарб масалалар "Йўл хариталари"га кирмай қолган ҳолатлар, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича давлат ва жамоат тузилмалари ўртасида аниқ, тизимли ҳамкорликнинг талаб даражасида эмаслиги, белгиланган чора-тадбирлар қуруқ мажлисбозлик ва аънавий тадбирлар ўтказишдан иборат бўлиб қолгани аққол кўринди.

Ўрганишлар мобайнида туманда таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ҳақиқий аҳолига алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилдик.

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИПАХТА ХОМ АШЁСИ ВА БОШОҚЛИ ДОН ЕТИШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартибини;

2018 йил ҳосили пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштириш бўйича агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун Жамғармадан ажратиладиган кредит ресурслари ҳажмларини туманлар бўйича белгилашни;

молиявий ресурслар ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур бўлган ёқилғимойлаш материаллари, минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситалари ҳамда бошқа ресурслар ва хизматлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда етказиб берилиши, тузилган шартномалар шартларига риоя этилиши, шунингдек, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши ва ажратилган кредит ресурслари қайтарилиши юзасидан жавобгарлигининг аниқ соҳалари ҳамда назорат механизмлари белгиланишини;

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини;

биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда 2018 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва сотиш балансини тасдиқлашни назарда тутиб ҳукумат қарорини қабул қилишни.

6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга минерал ўғитлар сотувчи корхоналар учун 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ягона солиқ тўлови ставкаси 2 фоиз миқдорда белгилансин.

7. Тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар

томонидан олиб келинадиган фосфорли ўғитлар, шунингдек, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган фосфорит хом ашё 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда боғжона тўловларидан озод қилинсин, боғжона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

"Агробанк" АТБга давлат харидларининг назарда тутилган ҳажмларидан ортиқча бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларига кредитлар ажратиш учун йиллик 5 фоиз ставка бўйича депозитга 150 миллиард сўм миқдоридан йиллик 10 фоизгача ставка бўйича маблағлар жойлаштирилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетидан паст ҳосилли ерларда пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжаликлари молиявий қўллаб-қувватлаш учун зарарқондаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилнинг сақланиши бўйича харажатларни қоплашга республика бюджетидан назарда тутилган маблағлар ҳисобига 100 миллиард сўм миқдоридан маблағлар шакллантирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (М. Икрамов) ҳар бир ҳудуд бўйича масъул ходимлар белгиланган ҳолда Жамғарма маблағлари ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва "Агробанк" АТБ бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ пахта хом ашёси ва бошоқли дон харид қилиш учун маблағлар ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши усти-

дан реал вақт режимда назорат қилиш имконини берадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг "Агробанк" АТБнинг маълумотлар базасидан фойдаланилиши таъминласинлар.

10. Чора-тадбирлар сўзсиз амалга оширилишини ва Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни ўз вақтида молиялаштириш бўйича талабларга сўзсиз риоя қилинишини, уларга минерал ўғитлар ва ёқилғимойлаш материалларининг зарур ҳажмлари етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек, уларга нархлар спекулятив тарзда ўсиб кетишига йўл қўймайлиш учун **Бош прокурор О. Б. Муродов, Бош вазирнинг ўринбосарлари З. Т. Мирзаев, Ж. А. Қўчқоров, А. С. Султанов, Н. С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М. М. Икрамовга** шахсий масъулият белгилансин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар юзасидан икки ҳафта муддатда тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М. М. Икрамов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 февраль

«АДЛУ ИНСОФ БИЛАН ЖАҲОН
ГУЛШАНИ ОБОД БЎЛУР»

Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 682 йиллиги олдидан Темурийлар тарихи давлат музейида халқаро Амир Темури хайрия жамоат фонди виллоят муассасаси ҳамда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳамкорлигида "Амир Темури адолатли ҳукмдор, буюк саркарда, эл-юртнинг ғамхўри" мавзусидаги маънавий-маърифий анжумани ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг мавзуга доир чиқиши, темиршуно олим Озода Раҳматуллаевнинг "Амир Темурининг ҳарбий маҳорати", тарих фанлари ном-

золи Илҳомжон Жамолхожининг "Амир Темурининг маънавий олами", шунингдек, ёзувчи Тўлқин Хайитнинг "Мустақиллик даври ўзбек адабиётида Соҳибқирон Амир Темури сиймоси" мавзусидаги маърузалари, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ижросида янграган Амир Темури ўғитлари иштирокчилар томонидан илиқ қарши олинди.

Тадбир давомида халқаро Амир Темури хайрия жамоат фонди виллоят муассасаси раиси Муҳаббат Шоносупова "Амир Темури адолатли ҳукмдор, буюк саркарда, эл-юртнинг ғамхўри" мавзусида ўтказилган иншоолар танловида 100 дан ортиқ курсантлар иштирок этганини таъкидлар экан, ғолибларнинг номларини эълон қилди. Курсант Шаҳ-

боз Аллаёров, Шаҳзод Одилов, Сўхроб Эшмамовларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар, китоблар тақдим этилди. Шунингдек, бўлғуси Ватан ҳимоячилари ва бошқа тадбир иштирокчиларининг музей бўйлаб саёҳати уюштирилди.

– Бугунги анжуман курсантларимизда катта таассурот қолдиргани шубҳасиз, – деди Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи ўринбосари Ақромжон Шоҳақимов. – Зеро, Соҳибқирон бобомизнинг Ватанга садоқат, мардлик, фидойилик ва эл-юртни ардоқлаш каби фазилатлари йигитлар учун чинакам ибрат мактабидир.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

«КАПТИВА» МИНГАН ҚАРЗДОРЛАР

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ишбилармонларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун яратилган қулай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган кўплаб соҳа вакиллари ўз бизнесини ривожлантириб, эл қорига елка тутмоқда.

Инсоф сари барака

Айтиш жоизки, йилдан-йилга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкасининг пасайиб бораётгани тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Виллоятимизда бундай энгилликларнинг қадрига етиб, солиқ тўловини ўз вақтида тўлаётган ишбилармонлар кўпчилигини ташкил этиди. Бироқ, "Гуруч курмакиси бўлмайди", деганларидек, айрим тадбиркорлар ўзларининг конституцион бурчи, яъни бюджет олдиданги солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажармаётгани оқибатида катта қарздорлик юзага келмоқда.

Қарздорликларни ундириш бўйича Тошкент виллоятининг ҳудудий солиқ хизмат органлари ҳамда Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлиmlари томонидан суд ҳужжатлари асосида қарздорларнинг мол-мулкни хатлаш бўйича навбатдаги тадбирлар Чиноз, Охангарон ва Оққўрғон туманларида ўтказилди.

Охангарон туманидаги "Kebab trading group" МЧЖ ягона солиқ тўлови ҳамда ер солиғи бўйича жами 76,6 млн. сўм қарз бўлган. Солиқ қарзини бюджетга ундириш юзасидан ташкил этилган тадбир жараёнида ўзини корхонанинг иш юритувчиси деб таниш-

тирган Жаҳонгир исмли шахс чойхонага мўлжалланган бино қуришга сармоя топгану, солиқ қарзини тўлашга келганда маблаг йўқлиги тўғрисида асоссиз важ келтирди. Давлат солиқ хизмати органи ҳамда Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлими ҳодимлари томонидан солиқ қарзини тўламаслик оқибатлари тўғрисида тушунтириш берилганидан сўнг, тадбиркор қарздорлигининг 31 млн. сўмини бюджетга тўлаб берди ва қолган қисmini 3 кун ичида ёпиш мажбуриятини олди.

Кейинги манзил тумандаги "Салоҳиддин қори" фермер хўжалиғи бўлди. Хўжалик раҳбари Нурилла Салоҳиддиновнинг уй манзили бўйича борилганда, 4 бош қорамоли, иккита оти борлиғи аниқланган. Солиқ қарзи ҳисобига 2 бош қорамолини хатлаш пайтида Н. Салоҳиддинов қарздорлигининг етти млн. сўмининг бюджетга ўтказиб, қолганини икки кун ичида тўлашга сўз берди.

Оққўрғон туманида ўтказилган тадбирда "Озодлик" фермер хўжалигининг 79,4 млн. сўм солиқ қарзини ундириш бўйича фермер хўжалиғи раҳбари Неъмат Рустамовнинг хонадонига бориб, унинг дан-гиллама уйи-ю, қўша-қўша машиналарини қўриб, очиги, бу тадбиркорнинг қарзи борлиғига ҳайрон қолдик.

Ажабо, 200 бошга яқин қўйи, иккита зотдор тулпар, "Captiva" ва "Erika" машиналари бор фермернинг солиқдан қарзини тўламаслигини қандай тушуниш мумкин? Қарздорнинг мол-мулкни хатлаш жараёнида хўжалик раҳ-

барини 7-умумтаълим мактабларининг умумий қуввати 21 минг 253 ўқувчи-га мўлжалланган бўлсада, айти пайтда уларда 28 мингдан зиёд ёшлар таълим олмақда. Янги қуриладиган таълим муассасалари айрим жиҳатлари билан бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Мисол учун, янги бунёд этилган 7-умумтаълим мактабларининг лойиҳасида ошхона, тиббиёт хонаси, мажлислар залининг қўзда тутилмагани аҳолини қониқтирмайди. Мактаб ҳудуди панжара билан ўралмаган, спорт инвентарлари, чақириқча ёшларни тайёрлаш бўйича маҳсулотларни ўтказиш учун жиҳозлар етишмайди. Умуман, бу ерда 4 та мактаб капитал таъ-

мирга муҳтож. 17 та мактабда спорт залига эҳтиёж бор. Яна 10 та муассасада компьютер хоналари мавжуд эмас. Мактабларда биология, рус ва инглиз тиллари, она тили ва адабиёт, кимё фанларидан ўқитувчилар етишмайди. Ўз навбатида, бу ҳол ўқувчиларнинг мазкур фанларни ўзлаштиришлари-га салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тумандаги 7 та ўрта махсус, касб-хунар коллежларида айти пайтда давомат 89,8 фоиз экани маълум бўлди. Иқтисодиёт ва сервис ҳамда хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежларида тоза ичимлик суви муаммоси бор. Шунингдек, мазкур коллежлар ўқувчилари муассасага элтадиган йўналишларда жамоат транспорти фаолияти йўлга қўйилмаганидан азият чекишяпти.

Худудда боғча ёшидаги (3-7 ёшдаги) 13 минг 460 бола мавжуд. Афсуски, бу ердаги мавжуд 10 та мактабга таълим муассасасида уларни тўла қамраб олишнинг асло имкони йўқ. Бундан ангаллашадик, боғча ёшидаги болаларнинг 1 минг 938 нафари ёки 14,5 фоизи таълимнинг мазкур муҳим бўлинига қамраб олинган, холос. Тумандаги 52 та фуқаролар йиғини ҳудудидан бундай муассасалар умуман йўқ. Мавжуд мактабгача тарбия муассасаларидаги шарт-шароитларни ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди.

Мутасаддилар айти ҳолатига 2018 йилда 16 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси барпо этишга киришилгани билан изох бериш-

ди. Бироқ, улар ишга тушган тақдирда ҳам яна нари борса 1000 болани қамраб олиш имкони юзага келади. Демакки, бу борадаги ишларни бир неча босқичда тизимли давом эттириш зарур бўлади.

Яширишнинг ҳожати йўқ – бугунги кунда тиббий хизматнинг аҳоли одамларнинг энг кўп эътирозларига сабаб бўлаяпти. Хусусан, Янгийўл туманида ҳам тизимда қилиниши лозим бўлган ишлар талай.

Масалан, тез тиббий ёр-

Халқ билан мулоқот:

САВОЛЛАР КЎП БЎЛДИ,
ЖАВОБЛАР ЭСА...

дам бўлими марказий станцияси биноси жорий таъмирга муҳтож. Дори-дармон ва бир марталик воситалар таъминотида ҳам етишмовчиликлар бор. Тиббиёт бирлашмаси тизимидаги муассасаларда қарий 100 та шифокорлик ўрни бўш турибди...

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, айти вақтда туман марказий шифохонасида 40 миллиард сўмлик капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб боришмоқда. 90 ўринли умумий терапия бўлими биноси, 125 ўринли акушерлик комплекси, юкмили касалликлар бўлими биносидан демонтаж ишлари бошланган.

Аҳоли билан ўтказилган мулоқотларда ҳудудда коммунал соҳа муаммолари ҳам етарли экани маълум бўлди. Уларни бартараф этиш, мавжуд вазиятни ўнглаш бўйича ҳам мутасаддиларга тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди. Аниқланган камчиликлар асосида "Йўл хариталари" такомиллаштирилди.

Умуман, Парламент ишчи гуруҳининг асосий мақсади жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш, имкон қадар яхшилаш, тизимли муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш, шунингдек, жойларда қонун ҳужжатларининг қўлланиш аҳволини ўрганиш ва зарурат бўлганда, уларни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат эди ва айтиш мумкин бунга муайян маънода эришилмоқда.

Алишер РАҲМАТОВ

ёзиб олди

Танлов

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида "Фуқаролар йиғинининг жамоатчилиги назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг намунали комиссияси" республика кўрик-танловининг виллоят босқичи бўлиб ўтди.

НАМУНАЛИ
КОМИССИЯ
АНИҚЛАНДИ

Танлов виллоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бўлишмаси, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаллашув ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди.

– Ушбу тадбир аҳолининг истеъмол маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамоатчилик назоратини таъминлашга хизмат қилади, – дейди виллоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси матбуот ва ахборот сектори бошлиғи Л. Усмонова.

Қизғин баҳс-мунозара тарзида ўтган танловда Янгийўл туманидаги Убай Му-саев номи маҳалла комиссияси биринчи ўринни эгаллади.

Юлдузхон ФАЗЛИЕВА

Вилоят ҳокимлигида

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда туризм соҳасини ривожлантиришга доир бир қатор фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида виллоятда амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланди.

Унда тегишли бошқарма ва ташкилотлар мутасаддилари, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг виллоят кенгаши фаоллари, шунингдек, туризм йўналишида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этдилар.

ТУРИЗМ РИВОЖИ –
БУГУННИНГ ЭҲТИЁЖИ

Кун тартибига мувофиқ, виллоят ер ресурслари ва давлат кадастри, архитектура ва қурилиш, иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳамда Марказий банк бошқармалари, виллоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси, ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги мутасаддиларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, Халқ депутатлари виллоят Кенгашининг 2017 йил 22 ноябрда бўлиб ўтган XXVI сессияси қарорининг ижроси доирасида виллоятда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ўтган қисқа давр мобайнида виза тартибини соддалаштириш, кириш ва ички туризмни ривожлантириш, туристик инфраструктура объектларини барпо этишни молиялаштиришни кенгайтириш борасидаги янгиликлар соҳа ривожига туб бурилиш ясамоқда. Шу асосда, Ўзбекистон Республикасининг Россия, Жанубий Корея, Туркия, Қозоғистон, Украина ва Покистондаги элчилари билан ҳамкорлик юзасидан келишув ва "Йўл хариталари" тасдиқланди. Унга асосан, жорий йилнинг 21-22 февраль кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида Тошкент виллоятининг туристик фирмалари, маданият ва санъат вакиллари йирик халқаро анжуманда иштирок этишди. Қозон шаҳрида виллоятнинг махсус савдо уйи очилиб, китоб экспорти йўлга қўйилди. Табиат ман-

зараларимиз акс этган фотокўргазма намоиш этилди. Тадбир давомида сайёҳларни жалб этиш бўйича меморандум ҳам имзоланди.

Жанубий Кореянинг 30 дан, Туркиянинг 50 дан ортиқ йирик компания раҳбарларидан иборат делегация вакилларининг виллоятимизга ташрифи чоғида ҳам шу йўналишда ҳамкорлик масалалари бўйича келишиб олинди.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларининг ўзидан гарчи саёҳат мавсуми бўлмасада, 7 мингдан ортиқ хорижий, 120 мингдан ортиқ ички сайёҳлар ташриф буюриб, туристик хизматлар экспорти 2,8 млн. АҚШ долларини, кўрсатилган хизматлар ҳажми 11,6 млрд. сўмини ташкил этди. Бироқ, виллоятдаги мавжуд туристик салоҳиятга қийслаганда, бу кўрсаткич қониқарли эмас.

Йиғилишда эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда ҳали ишга солилмаётган имкониятлар талайлиги, соҳага алоқадор идоралар ишни бугунги талаблар даражасида ташкил этиши лозимлиги, виллоятда экотуризм, тоғ туризми, спорт туризми йўналишларидаги мавжуд аҳвол мутлақо талабга жавоб бермаслиги алоҳида таъкидланди. Тадбиркорлик субъектлари олдидан турган муаммолар тингланб, уларни бартараф этиш йўллари белгиланди.

Йиғилишда виллоят ҳокимининг ўринбосари С. Низамов иштирок этди ва сўзга чикди.

Ўз муҳбиримиз
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

Ижтимоий эълон

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари дикқатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши орқали БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ТАШКИЛ ЭТИШ шарти билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очiq танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддати (йил)	Янги танқил қилинадиган энг кам ишчи ўринлар сони
1	Собиқ "Резинотехника" бирлашмасига тегишли МТМ бино-иншоотлари	Ангрен шаҳри, 5/4-даҳа	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	6250	1	50
2	Собиқ 15-МТМ бино-иншоотлари	Ангрен шаҳри, "Гўзал" МФЙ	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1500	1	25
3	20-мактаб эски биносининг бир қисми	Ангрен шаҳри, "Нурчи" МФЙ, 5/1-а даҳа	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	800	1	20
4	Собиқ 16-МТМ бино-иншоотлари	Ангрен шаҳри, Ёшлик кўчаси, 21-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	объект Ангрен шаҳар мактабгача таълим бўлими балансида самарали фойдаланиш учун берилган		
5	Собиқ 6-МТМ бино-иншоотлари	Ангрен шаҳри, "Навбахор" МФЙ, Чехов-6	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1500	1	20
6	Бўш турган собиқ "Бекобод цемент" АЖга қарашли бўлган 1-сонли МТМ бино-иншоотлари	Бекобод шаҳри, "Цементчи" МФЙ, Пахтабод кўчаси	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	350	1	10
7	9-МТМ бино-иншоотлари	Бекобод шаҳри, Жомий номи маҳалла	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	150	1	8
8	Собиқ 14-сонли боғча биноси	Олмалиқ шаҳри, Навоий кўчаси	Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги	420	6 ой	15
9	Қурилиши тугалланмаган сув сақлаш биноси	Оҳангарон шаҳри, "Бахт" МФЙ	Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги	1500	1	15
10	Собиқ маҳалла идораси бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Хос" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	800	1	20
11	55-сонли умумий ўрта таълим мактабининг бўш турган бино-иншоотлари	Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси	Бекобод тумани ҳокимлиги	1200	1	20
12	Оилавий поликлиника	Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси, Бобур кўчаси, Мавлонов центр	Бекобод тумани ҳокимлиги	1200	1	19
13	Собиқ масжид бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Қушчи" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	1000	1	19
14	Собиқ идора бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Ёшлик-2" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	1200	1	18
15	Автохаваскорлар мактаби	Бекобод тумани, "Бўстон" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	1000	1	18
16	Собиқ нурунийлар чойхонаси	Бекобод тумани, "Хонобод" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	600	1	14
17	Собиқ нурунийлар чойхонаси	Бекобод тумани, "Зиёли" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	900	1	14
18	Собиқ боғча биноси	Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси, "Истиқлол" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	900	1	14
19	Собиқ 3-сонли мактабгача таълим муассасаси	Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ шаҳарчаси, "Бешпуг" МФЙ	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги	1000	5 ой	20
20	Собиқ мактабгача таълим муассасаси биноси	Бўстонлиқ тумани, Ҳазалкент шаҳри, Жамбул кўчаси	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги	1000	5 ой	20
21	ММТП ёнидаги ҚФЙ идораси	Бўқа тумани, "Қўкорол" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	1000	1	24
22	Эски клуб биноси	Бўқа тумани, "Навобод" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	500	1	15
23	Собиқ Туркистон жамоа ҳўжалигининг маъмурий биноси	Пискент тумани, "Новкент" МФЙ	Пискент тумани ҳокимлиги	700	1	13
24	Собиқ колхоз идораси	Пискент тумани, "Култепа" МФЙ, Намуна кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	500	1	6
25	Собиқ боғча биноси	Пискент тумани, "Дўстлик" МФЙ, Ўсмак қишлоғи	Пискент тумани ҳокимлиги	750	1	8
26	АТС биноси	Тошкент тумани, Кўксарой ҳудуди, Шифобахш сувлар кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	275	1,5	30
27	Эски мактаб биноси	Оҳангарон тумани, "Алишер" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	1500	4 ой	27
28	Эски мактаб биноси	Оҳангарон тумани, "Телов" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	1000	7 ой	27
29	Эски масжид биноси	Оҳангарон тумани, "Ёнариқ" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	500	7 ой	12
30	Баркамол авлод болалар маркази	Оҳангарон тумани, "Санам" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	500	7 ой	27
31	Эски боғча биноси	Оҳангарон тумани, "Чувалдоқ" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	1000	6 ой	17
32	Ҳомийлик қилинган ҚВП биноси	Оҳангарон тумани, "Ойбулоқ" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	1000	4 ой	14
33	Эски болалар боғчаси биноси	Оҳангарон тумани, "Ойбулоқ" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	1000	7 ой	27
34	Эски болалар боғчаси биноси	Оҳангарон тумани, "Эйвалак" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	1000	6 ой	14
35	Эски масжид биноси	Оҳангарон тумани, "Сусам" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	500	5 ой	14
36	Собиқ жамоа ҳўжалигига қарашли болалар боғчаси биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Гул" МФЙ	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	790	7 ой	33
37	Собиқ жамоа ҳўжалигига қарашли бино	Қуйи Чирчиқ тумани, "Машираб" МФЙ	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1750	4 ой	29
38	Биолаборатория биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Уч чинор" МФЙ	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	320	7 ой	17
39	Маҳалла идораси биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Қушк" МФЙ	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	210	9 ой	17
40	Эски боғча биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Нурбой ота" МФЙ	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1300	5 ой	33
41	Собиқ Истиқлол ҚФЙ биноси	Юқори Чирчиқ тумани, "Истиқбол" МФЙ	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	400	10 ой	12
42	Собиқ МТМ биноси	Юқори Чирчиқ тумани, "Нурли замон" МФЙ	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1000	13 ой	15
43	"Бешбой" маҳалла идорасининг эски биноси	Ўрта Чирчиқ тумани, "Бешбой" МФЙ, Бешбой кўчаси, 2-уй	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	400	1	10

Реклама ва эълонлар

Аҳоли ва Тошкент вилояти сайловчилари дикқатига!

Депутатга савол йўланг!

Ҳурматли фуқаролар! Жорий йилнинг 9 март куни соат 10.00 дан 10.30 га қадар Facebookдаги O`zLiDePнинг расмий саҳифаси (facebook.com/Uzlidep) ҳамда "O`zLiDeP муҳокамага чорлайди" (facebook.com/groups/126733447933868) номли гуруҳида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига 27-Келес сайлов округидан сайланган депутат Мансурова Санобар Атхамовна билан онлайн-мулоқот бўлиб ўтади. Депутатга ўзингизни қизиқтирган саволларни йўллаб, батафсил жавоб олинг.

Саволларни O`zLiDePнинг Facebookдаги расмий саҳифаси (facebook.com/UzLiDeP), tv-uzlidep@mail.ru (Тошкент вилояти Кенгаши почтаси), uzlidepmatbuot@mail.ru электрон манзилига, телеграммдаги (+99890) 977-07-40, (+99890) 904-30-04 ҳамда (+99871) 255-28-85 (ишонч телефони) рақамларига видео, аудио ёки матн шаклида йўллаш мумкин.

ДИҚҚАТ! Депутатга йўллаётган саволингизда исм-шарифингиз, аниқ манзилингиз ҳамда сиз билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақамингизни ёзишни сўраб қоламиз.

Тошкент вилояти «Сувоқова» ДУК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910 сонли Қарорига асосан, "2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури"га биноан "Коммунизмат" Агентлиги ва Тошкент вилояти "Сувоқова" ДУК томонидан Осиё Тараққиёт Банкининг инвестицион қўмаги иштирокида "Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Чиноз туманлари ичимлик суви тизимларини реконструкция қилиш" лойиҳасини амалга ошириш қўзда тутилган.

Юқорида зикр этилган қарор асосида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида барча қизиқиш билдирган томонларнинг иштирокида лойиҳанинг экологик ва ижтимоий ҳимоя масалаларини муҳокама қилиш мақсадида жамоатчилик эшитувлари ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу эшитувларда "Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Чиноз туманлари ичимлик суви тизимларини реконструкция қилиш" лойиҳасининг атроф-муҳитга таъсирини экологик ўрганишининг асосий натижалари тақдим этилади ва лойиҳа ишларини амалга

ошириш учун ерларнинг олиниси ва қўчириш масалалари муҳокама қилинади.

Тошкент вилояти "Сувоқова" ДУК жамоа эшитувлари қуйидаги манзилларда бўлиб ўтади:

– Чиноз тумани аҳолиси учун – Чиноз тумани ҳокимлиги биносиди, 10 март куни соат 10.00 да;

– Янгийўл тумани аҳолиси учун – Янгийўл тумани ҳокимлиги биносиди, 10 март куни соат 15.00 да.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: (+99899) 854-27-35 Тохир Муҳаммадиев, (+99890) 352-22-29 Сергей Ким.

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма - босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очiq аукцион савдоларига таклиф этади!

Очiq аукцион савдосига АТ "Халқ банки" Олмалиқ филиалининг 26.02.2018 йилдаги № 201-сонли буюртманомага асосан ўз тасарруфиди бўлган Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри:

1. Улугбек кўчаси, 5-А уй манзилида жойлашган умумий майдони 54,30 кв.м. бўлган № 36-сонли шаҳобча. Бошланғич нархи - 44 677 000 сўм;
2. Ипак йўли кўчаси, 52-уй манзилида жойлашган умумий майдони 32,90 кв.м. бўлган № 29-сонли шаҳобча. Бошланғич нархи - 38 547 000 сўм;
3. Примоулов кўчаси, 11-А уй манзилида жойлашган умумий майдони 77,40 кв.м. бўлган № 22-сонли шаҳобча. Бошланғич нархи - 46 550 000 сўм бўлган қўчмас мулклар қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2018 йил 3 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34- уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги қўчмас мулклар 2018 йил 3 апрель куни сотилмаса, тақририй савдолар 2018 йил 10 апрель, 17 апрель ва 24 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги қўчмас мулклар билан

тегишли "Халқ банки" филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишуви-га асосан қўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Халқ банки" Юнусобод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000900757166001, МФО 00823, ИНН 304802952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси кунидан бир иш куни олдин тўхтатилади. Савдо қилибга аукцион савдоси натижалари бўйича қўлиб баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Қўчмас мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел.: (+99871) 236-25-53.

Лицензия RR - 0298.

«TUZEL-ERDASHEV YANGIBOY» фермер хўжалиги узoқ муддатли ижарага берилган жами 2,92 га. ер майдонидан ихтиёрий воз кечганлиги сабабли, ер майдони Қибрай тумани Давлат захира ерлари таркибига қайтарилади ва узoқ муддатли ижара шартномаси бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сижжақ фуқаролар йиғини, «Шайдон» маҳалласида жойлашган қурилиши тугалланмаган уй-жойга тегишли кадастр ҳужжати ва гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

O`zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши жамоаси кенгаш раиси вазифасини бажарувчи Тўлқинжон Файзиевга волидаи муҳтарамаси

Ширин ҳожи аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.




ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 3 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4, кундузи 13-15 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-6 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.



Боғимда настарин бор,
Гуллайди ҳар илк баҳор.
Настарин гули майда,
Бундай гул бордир қайда?

Ҳар шохи бир гулдаста,
Атрига дил пайваста.
Жимжимадор гуллари,
Ҳайшар боғ еллари...

Бу шеър парчасига кўзингиз тушиши билан, кулогингизга ёқимли бир куй, ширали овоз эшитилгандай бўлди, тўғрими? Ёки бўлмаса мана бу сатрларни ўқинг-а:

Дарбадар кезмаса ким юрт қадрин билмас эмиш,
Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас эмиш.
Тома-тома кўл бўлур деганлари рост экан,
То умрбод уқмаса ким ақли ҳам тўлмас эмиш...

Бу қўшиқни ҳам бир бора эшитган киши унинг сўзларини, ёқимли мусиқасини ёди-га муҳлаши аниқ. Зеро, ундан юрт қадри, Ватан меҳри уфуриб туради. Барот Исроилнинг ёрқин истеъдодини

илк шеърий тўпламларидан пайкаган Ўзбекистон халқ шоири Миртемир: "Барот асли деҳқон ўғли, тинимсиз излавиш, интилишлари натижаси ўларок, бу қатрлар (шеърлар)дан кейин жўшқин

БОҒИМДА НАСТАРИН БОР...

Ўз ижоди билан минг-минглаб кўнгилларни мафтун этган шоирларимиз кўп. Улар орасида оҳангаронлик серқирра ижодкор Барот Исроилнинг ҳам ўз ўрни бор. Айниқса, шоирнинг қўшиққа айланган шеърларини кўпчилик ёддан билади.

Китоб жавонингизга

ирмоқлар қутишга ҳақлимиз", дея унга "оқ йўл" тилаган экан. Шундан буён, қарийб ярим аср вақт ўтди. Навқирон

Барот Исроил ижоди етилиб, жўшқин дарё каби тўлиб-тошди. Энди отахон шоир умрининг тўрт фаслидан сўзлагувчи дилтортар шеърлари, ҳикоя ва қиссалари, достону тарихий асарлари, роман-эсселари билан устозлик сабогини бериб келмоқда. Яқинда ижодкорнинг беш жилдалик танланган асарларининг тўртинчи "Шошкентим – Тошкентим" номли китоби нашр этилди. Бунгача "Махлиёлик", "Кўнгил меҳригиёҳи", "Онаизор" жилдлари чоп этилган бўлиб, улардаги ҳар бир шеър, ҳикоя, достонлардан бамисоли муқаддас она ер ифори аниқ тургандек.

Жумладан, "Кўнгил меҳригиёҳи" номли иккинчи китобидаги болаларга аталган "Келинчак тош", "Чугурчўк билан чигиртка ханги", "Тилсиз ёв", "Най навоси", "Жар ёқасида", "Эр ва шер", "Балиқ бўлган қиз", "Алишернинг ширин тили" (А. Навоийнинг болалиги ҳақида) каби эртак ва достонлари, "Ҳастимом" (Қафқас Шоший), "Шошлик валий" (Ҳожа Аҳрор) каби алломаларимиз ҳаёти ҳақидаги тарихий асарларини муҳлислар катта қизиқиш билан қабул қилишган. Айниқса, "Малҳам усимликлар" туркумидаги шеърлари нафақат болалар, балки тиббиёт ходимлари, гиёҳшунос олимлар томонидан ҳам эътироф этилган.

"Муҳаррир" нашриётида чоп этилган "Шошкентим – Тошкентим" номли тўртинчи китобида ҳам қадим Шошда

яшаб ижод қилган тарихий шахслар – Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шоший, Абу Раби Тоҳир ибн Абдуллох ал-Йилоқий, Абу Саид Хайсам ибн Қулайб аш-Шоший Бинқатий, Бадриддин Чочий, Мирза Муҳаммад Хайдар каби бобоқалон шоирлар ҳақидаги маълумотлар ва улар ижодида намуналар келтирилди.

Аҳамиятлиси, мазкур рисоладаги муаллифнинг сўнгги йилларда ёзган шеърлари, қўшиқлари, "Умрим ҳикматлари" номли тўртликлари китобхоннинг ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларини кенгайтириб, дунё тилсимларини кексалик доноликлари билан бир-бир оча боради. "Қамчиқ довоининг кумуш белбоғи" достони эса, дорилармон кунлар хосияти ҳақида ҳикоя қилади.

Муҳтасар айтганда, лотин ёзувидаги "Шошкентим – Тошкентим" дея номланган турфа мавзудаги қизиқарли шеър, ривоят, ҳикоя, эртақлару достонларга бой янги рисола ўз ўқувчилари, муҳлисларини хушнуд этиши шубҳасиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/

БЎСТОНЛИҚНИНГ ЕНГИЛМАС ПОЛВОНИ



Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида юнорум кураши бўйича Осиё чемпионатида бўстонликлик полвон Элмурод Тасмуродов олтин медални қўлга киритди.

Осиё чемпионатида кумуш медал соҳиби бўлган Элмурод кейинги мусобақаларда ҳам кетма-кет галаба қозонмоқда. Хусусан, моҳир полвонимиз Дехли (2013 йил), Остона (2014 йил) ҳамда Доха (2015 йил) шаҳарларида ўтказилган Осиё чемпионатларида барча рақибларини мағлуб этган.

Шунингдек, Элмурод Тасмуродов Рио олимпиадасида, Будапешт ва Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионатларида ҳам бронза медалга сазовор бўлган.

МАРРАДА КИМ БИРИНЧИ?



Вилоятимиз бўйлаб велоспорт бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Юрий Поминов хотирасига бағишлаб, республика мусобақаси бўлиб ўтди.

Велоспорт мусобақасининг Бўстонлик туманида ташкил этилган учинчи кунги беллашувларида спортчилар 85 километрга ўтказилган гуруҳ пойғаларида ўзаро куч синашди. Мусобақада барча рақибларини ортада қолдирган Чирчиқ олимпия заҳиралари қоллежи ўқувчиси Данил Евдокимов маррага биринчи келди ва шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Истеъдодли спортчимиз

яқинда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳри мезбонлик қилган велотрек бўйича Осиё чемпионатида ҳам маҳорат кўрсатган эди. Йигирма иккита давлат спортчилари қатнашган ўша мусобақанинг ўсириллар ўртасидаги "Омниум" пойғаларида Данил Евдокимов кумуш медалга муносиб топилган.

Моҳир спортчимизнинг келгуси фаолиятида ҳам омад тилаймиз.

ҚИЛИЧБОЗЛАРИМИЗ ТАРИХГА КИРДИ



Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида қиличбозлик бўйича қадетлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида вилоятимиз вакиллари ҳам терма жамоамизнинг тарихий натижасига ўз ҳиссасини қўшди.

Мусобақанинг шамшир (сабля) йўналишида жамоавий баҳсларда қатнашган қадетларимиз чорак финалда Иордания терма жамоасини 45:23, ярим финалда кувайтлик рақибларини 45:44 ҳисобида мағлуб этиб, финал йўлланмасига эга бўлди.

Хал қилувчи финал жангида спортчиларимиз Жанубий Кореяга 26:45 ҳисобида ютқазиб қўйдилар ва Осиё чемпионатининг кумуш медали соҳибига айландилар. Терма жамоамиз сафида Чирчиқ олимпия заҳиралари спорт коллежи ўқувчиси Жалолиддин Душамбоев муваффақиятли иштирок этди.

Чирчиқдаги коллежда таҳсил олаётган яна бир истеъдодли қиличбоз – Севила

Худойбергенова қизлар ўртасидаги шамшир (сабля) йўналиши жангларида қатнашди. Терма жамоамиз қизлари мусобақанинг чорак финалида Осиёнинг қучли терма жамоаларидан бири ҳисобланган Япония вакиллари 45:43 ҳисобида мағлубиятга учрашиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Финал учун кечган жангда қизларимиз Жанубий Корея терма жамоасига 23:45 ҳисобида имкониятни бой бердилар ва яқунда Осиё чемпионатининг бронза медалини қўлга киритдилар.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

БАҲОР ТАРОВАТИ

Бўқа тумани ҳокимлиги ҳамда маийший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи жамоасининг ташаббуси билан "Замонамиз Зулфиялари" мавзуда адабий-мусликий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир

Коллеж зали ўқувчилар билан гажум. Саҳна ўзига хос баҳорий латофат, гўзаллик ила безалди. Ранго-ранг гуллар, қўлам жилвалари, ўқувчилар қўли билан тайёрланган жозибали кўргазмалар, баҳор фасли ва Зулфияхонимга бағишланган адабий-бадий композиция даврага ўзгача фойз киритди. Сўнгра Зулфия ва Ҳамид Олимжонлар сиймоси акс эттирилган видеофильм намойиши ҳам бўлди, улар битган шеърлар жарангладди.

Саҳнада Зулфияхоним издошлари ўзларининг дилга яқин шеърларидан ўқиб беришди, баҳор, бахт ва шодлик ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Айниқса, коллежда таҳсил олаётган, тадбиркорликка, фаол ижодга майли бўлган ёшларнинг ижод намуналари кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Коллежимиз ўқувчилари фаол тадбиркорликка, изланувчанликка интилаётганлиги бизни жуда қувонтиради, дейди коллеж директори Нигора Исоқуллова. – Бугун ҳам улар ўзлари тайёрлаган нарсаларни намойиш этишарди. Ўйлаётганимиз, уларнинг изланувчанлиги ва фаоллиги, албатта, ўз мевасини беради.

Тадбирда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази масъул ходими Малика Мақомова, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети докторанти Маҳфуза Йўлдошева, вилоят ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими бошқармасидан Соҳиба Ҳамроқуллова, Бўқа тумани ҳокими ўринбосари Марҳаб Абдулазизова кириб келган баҳор фасли билан барчани муборакбод этди ва Зулфияхонимнинг ҳаёти ҳамда ижоди хусусида сўз юритди. Коллеж хотин-қизлар кўмитаси қошидаги "Қизларжон" клуби томонидан тайёрланган қуй ва қўшиқлар, дилрабо рақслар кўпчилиқка манзур бўлди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Мажлис бўлади, деб бошлиқ ҳузурга кириб келган ходимлар хона ўртасида турган ғалати ускуна ва оппоқ халат кийиб олган йигитга ажабланиб қарашарди. Кимдир бу ускуна: "Робот", деса, яна кимдир: "Кир ювадиган машина", деди пичирлаб. Яна биров: "Сўнгги поколенидаги дивиди", деди.

Ускуна ростдан ҳам антиқа: ҳар бурчагидан пружиналар чиққан, сон-саноксиз тугмалар эгаллаган, чироқлари эса ёниб-ўчарди. Орқа томонидаги узун сими телевизорга уланган.

Барча ходимлар йиғилиб бўлган, Вали Зокирович гап бошлади:

– Ташкилотимизнинг ҳурматли аъзолари. Биласиз, ишонамизда ўсиш суръати тушиб кетган. Қанча чора изламайлик, натижа бўлмаяпти. Биз, барчамиз тараллабедомиз. Бунга лоқайдлигимиз, совуқонлигимиз сабаб бўлаяпти, деб ўйлайман. Айниқса, ишонамиздаги талон-торожлик...

– Кечирасиз, Вали Зокирович, бу нима? – деб сўради Алфия сабри етмай, ускунани кўрсатаркан.

– Буни, бу – виждон аппарати. Ходимларнинг ишга қай даражада виждонан ёндашаётганини аниқлаб беради. Анови гардиш бошга кийилади, сўнг мониторда ёзув пайдо бўлади.

Ходимлар ханг-манг бўлиб, сўнг гала-говурни бошлаб юбордилар.

– Жим, ўртоқлар, тинчлик сақлансин, – деди қалам билан столни тақиллатиб Вали Зокирович. – Биламан, ишонмаяпсизлар. Ваҳоланки, дунё микросидаги машҳур "Год" фирмаси юзлаб компанияларда бу аппаратни синодан ўтказган. Натижалар расмий равишда эълон қилинган. Ҳўш, кимдан бошлаймиз?

Бу савол, худди, "Биринчи бўлиб кимни... сўямиз?" деганга ўхшаб кетди. Ускунага яқинроқ ўтирганлар зипиллаб орқа томонга ўтиб олишди.

– Алфияхондан бошлайлик, – деди

Сатторов. – Бу қандай аппарат, деб қизиқаяпти-ку!

– Нега мендан бўларкан? – кўзларини ола-кула қилди Алфия. – Сиздан бошлаймиз. Ишда мудраб ўтирасиз-ку, би-и-р шармандангиз чиқсин. Сатторов қизариб кетди:

– Бу нима деганингиз? Қачон муд-

Шанба ҳазили

Виждон аппарати



радим? Сиз ўзингизни билинг. Кун бўйи пайпоқ тўқийсиз.

Ҳақимов тақдир қиритиб қолди: – Яхшиси, алифбо бўйича бошлайлик, нима дейсизлар?

Алиқуллов сапчиб турди: – Нега энди алифбо бўйича экан? Ундан кўра, мана, ёши улуглар бошлаб беришсин.

– Яхши эмас, – бош чайқади Нуриддин ака. – Ёши катталарнинг кўнгли нозик бўлади. Бу аппарат но-тўғри таъсир қилиб, шартта ўлиб қолса, ким жавоб беради, Ҳўш, ким?

Кимдир шу имкониятдан ҳам фойдаланиб қолмоқчи бўлди:

– Виждон кўрсаткичи юқори бўлганларга пул мукофоти бериладими?

Хуллас, биров у деди, бошқаси бу деди. Ҳамма ўзидан ҳадиксирарди. Ҳатто, бошлиққа: "Вали Зокирович, ўзингиз бошлаб берсангиз бўларди", деганлар ҳам бўлди. Аммо, шунча одам

вахима қилгани боис Вали Зокировичнинг ўзи ҳам қўрқиб қолганди.

– Яхшиси, ҳаммани алоҳида-алоҳида текширувдан ўтказайлик, – деди оқ халатли йигит тоқати тоқ бўлиб. – Қўшни ташкилотда шундай қилдик. Хулосалар умумий тарзда сир тутилди.

Вали Зокирович ҳаммани хонадан чиқарди. Биринчи бўлиб Тўраев чақирилди. У терлаб-пишиб курсига ўтирди. Халатли йигит унинг бошига гардишни кийдирди. Сўнг ускунадаги "START" ёзувини босиб, телевизор экранига қаради. Хонада жимлик қўккан, Тўраев нафас олишга ҳам қўрқарди. Экран жи-

мирлаб турди-да, кейин мия қатламларини кўрсатди. Бир оздан сўнг инглизча ёзув пайдо бўлди.

– Бўлди, кетаверинг, – деди лаборант Тўраевнинг бошидан гардишни олиб.

Тўраев натижани сўраб ҳам ўтирмай, ўзини эшикка урди.

– Ҳўш? – лаборантга юзланди Вали Зокирович.

Лаборант йигит экрандаги ёзувдан кўз узмай деди:

– "Виждон мутлақо йўқ", деб ёзди.

– Ие, жа бунчалик эмас-ей, – деди аччиқлаб Вали Зокирович.

Қодирова билан Саримсоқовнинг натижаси ҳам шундай бўлди.

– Энди кимни қақирамиз? – сўради лаборант йигит.

– Шошманг-шошманг, – деди Вали Зокирович. – Халиги... қўшни ташкилотни текширганингизда, натижа қалай бўлганди?

– Фақат кекса қоровулдан ташқари...

– Бундай қиламиз, ука. Сиз, яхшиси... кетаверинг. Мен ходимларни аввал тайёрлай, виждонларини уйғотай.

Кейин сизни қайтадан қақираман. Улар иш билан бўлиб, виждонларини унутиб қўйишган-да, ахир! Шунчаки ҳам бўлади-ку, тўғрими? Бора қолинг.

Ҳозирча ходимларга, аппарат бузуқ экан, деб кўя қоламиз.

Анвар НАМАЗОВ

«Умид ниҳоллари – 2018»

СПОРТ БАЙРАМИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Нурафшон шаҳрида "Умид ниҳоллари – 2018" спорт мусобақасининг вилоят ва ҳудудий финал босқичини юқори савияда ўтказишга бағишланган ташкилий кўмита йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Жисмоний тарбия ва спорт ишлари вазирлиги вилоят бошқармаси мутасаддилари, спорт мактаблари директорлари, мураббийлар, ҳакамлар, халқ таълими ходимлари ва омавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Умид ниҳоллари – 2018" спорт мусобақасининг вилоят ва ҳудудий босқичларини юқори савияда ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ташкилий тайёргарлик ишлари атрофлича муҳокама қилинди.

– Айни кунда "Умид ниҳоллари – 2018" спорт мусобақаларининг вилоят босқичига тайёргарлик ишлари режа асосида олиб боришмоқда, – дейди Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт ҳамияти вилоят бўлими мутахассиси Шухрат Раимов. – Мусобақаларни ташкил этиш, вилоят ҳудудий саралаш беллашувларини ўтказиш жадваллари ишлаб чиқилди.

Мусобақанинг финал босқичи иккита ҳудудда – Ол-



малиқ ва Бекобод шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт ишлари вазирлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи Раҳматхон Тиллаевнинг айтишича, ҳозирги кунда масъул ташкилотлар билан биргаликда "Умид ниҳоллари – 2018" спорт

мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари режаси ва мусобақалар Низомига асосан спорт турлари бўйича масъул ҳакам ва раҳбарлар рўйхатини шакллантириш ишлари якунланмоқда.

Йиғилишда мусобақани

ўтказиш бўйича масъул мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

Газетанинг навбатдаги сони 8 март куни чоп этилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
18 170 нусхада
чоп этилди

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақми билан
рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Холмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусоҳиҳ
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Манзил: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@umail.uz Буюртма V-1205 Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.20.